Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил 29 ноябрь
ШАНБА
№ 97 (12733)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 2014 ЙИЛ 3-ЧОРАГИ ДАВОМИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ЁЙИЛМАСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодекси" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 6 августдаги ПҚ-2020-сонли "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 10 январдаги 1-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари (капитал қўйилмалар харажатларидан ташқари) ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, шунингдек ҳудудий молия органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш Регламенти, Молия вазирининг 2010 йил 5 февралдаги 10-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низоми (рўйхат рақами 2080, 2010 йил 23 февраль), Молия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 163-сон буйруғи билан тасдиқланган Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ёйилмасида, харажатлар сметаларида ҳамда бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда чегирилаётган (камайтирилаётган) бюджет маблағлари (режали маблағлар)ни акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низоми, Тошкент вилояти ҳокимлигининг 2013 йил 30 декабрдаги 297-сонли "Тошкент вилоятининг 2014 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан, шунингдек вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотлари сўровларини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. 2014 молия йилининг 3-чораги учун вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича, бюджет ижроси тўғрисидаги Низомга асосан жорий йил давомида бюджет маблағлари олувчиларининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағларнинг чегирилган (камайтирилган) қисми ҳисобидан йўналтирилган маблағлар бўйича киритилган ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига 2014 йилнинг 3-чораги давомида киритилган ўзгартиришлар 17-сон шакл маълумотнома-билдиришнома ҳамда 11-сон шакл билдиришномалар расмийлаштирилган санадан бошлаб кучга кирган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси (Д. Хажиев) тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни таъминласин.

5. Мазкур қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**
Тошкент шаҳри, 2014 йил 26 ноябрь.

Қадриятлар бешигисан – азиз маҳаллам




## ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН АРДОҒИ

**Эзгу қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаётган маҳаллаларимиз ҳаёти истиқлол йилларида тамоман ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Маҳалла улкан маънавий қадриятлар ўчоғи"га айланди. Зеро, ҳар қандай инсон маҳаллада обрў-эътиборли бўлишга, хусусан ножоиз хатти-ҳаракатлардан сақланишга интилади.**

Одоб-ахлоқ, истиҳола, мулоҳаза каби бекиёс инсоний фазилатлар айнан оилада бошланиб, маҳаллада туп қўйиб, палак ёзади, гуллаб яшнайди.

"Маҳаллам тарихини ўрганаман" анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичида том маънодаги миллий қадриятларимиз, ўзбекона инсоний фазилатлар намойиш этилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошчилигида халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ, касаба уюшмалари, маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда вилоят шаҳар ва туманларининг энг намунали маҳаллалари ёшлари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди. Бўстонлиқ, Зангиота,

*(Давоми 2-бетда).*

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ХАЛҚ ТАФАККУРИ ВА ИЖОДИ МАҲСУЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон мезонлари талабларига жавоб берибгина қолмай, халқаро миқёсда намуна бўлгулик ҳуқуқий ҳужжат, десак муболаға бўлмайди. Бу мазмундаги эътирофларга ўз-ўзидан сазовор бўлингани йўқ. Зеро, бундай даражадаги ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш жуда масъулиятли ва мураккабки, буни англаш учун муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрларини яна бир бор ёдга олиш жоиз: "Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қомусимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир".**

Мамлакатимиз халқи мураккаб тарихий жараённи бошдан кечирди. Барча қийинчилик ва адолатсизликларга қарамай, буюк аждодларининг муносиб авлодлари, жаҳонга довруғи кетган машҳур алломаларнинг қонуний ворислари эканини ҳар томонлама исботлади. Аллоҳнинг лутфу карами ила азиз ва муқаддас истиқлолга эришди. Нурли келажакка катта ишонч билан қарамоқда ва улуғ орзулари рўёбга чиқмоқда.

Асосий Қонунимизда инсон омили, унинг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият, деб белгилаб қўйилгани бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда исботини топмоқда. Мамлакатимиз

*(Давоми 4-бетда).*

## ОЛИМ, АДИБ ВА САНЪАТКОРЛАР ИШТИРОКИДА

**Мустақил Ўзбекистонимиз энг улуғ, энг азиз байрами Истиқлолимизнинг 23 йиллигини нишонлаган шодиёна кунлар шукуҳи ҳамон қалбларимизга масрурлик бахш этмоқда. Шу кунларда яна бир улуғ айём – Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди.**

Қарор асосида тузилган режа бўйича "Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати!" шиори остида мутахассис олимлар, шоир, ёзувчилар ва санъаткорлардан иборат Маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилди. Улар иштирокида вилоятимиз шаҳар-туманларида учрашув, давра суҳбатлари ва концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ва Бекобод туманида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда мактаб, коллеж ўқувчилари, маҳаллалар фаоллари – кенг жамоатчилик иштирок этди. Учрашувларда халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги буюк воқеа – Конституциямизнинг 22 йиллиги, инсонпарварлик тамойили устувор давлатимиз сиёсати, ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати ҳақида қизиқарли маърузалар тингланиб, санъаткорлар ижросида дилторлар куй-қўшиқлар янгради. Халқимизнинг дилию тилидаги эзгу ниятлар ижобати – эркин, озод ҳаёт, фаровон турмуш алёрлари барчага хуш кайфият улашди.

Тадбирларда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

## ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ, АММО...

**"Бир неча йил олдин ОИТС касалига чалинганимни билиб қолдим. Нега шундай бўлди, деган ўй мени адойи тамом қилганди. Яқинларим, дўстларим ва ҳамкасбларим мендан юз ўгириши, нафратланиши мумкинлигини ўйлаб, дунё кўзимга тор кўрина бошлади. "Ҳаммаси тамом бўлди, энди мен тез орада ҳаётдан кўз юмаман", деган ўй билан яшадим. Аммо, шифокорларнинг борига шукр, менга ёрдам қўлини чўзишаяпти..."**

**36 ёшли Икромжоннинг иқрорини бежиз келтирмадик. Инсоният кушандаси, фожиа дояси ОИТСни билмайдиганлар йўқ. Унга қарши курашиш ҳар қанча кескинлашмасин, хасталикнинг тарқалиш суръати пасаймаяпти...**

ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) ҳамон инсоният учун улкан муаммо бўлиб турибди. Касаллик ҳозирги кунга қадар давоси йўқлиги, олдини олувчи воситалар топилмагани, бошқаларга юқиши, ўлимга олиб келиши билан хавфлидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир жаҳонда 34 миллион киши ОИВ инфекциясига чалинган. Ҳар йили уларнинг сафига яна 2 миллион 700 минг киши қўшилиб, 1,7 миллион киши вафот этмоқда. Ҳар куни 7 минг киши ОИВ инфекциясини юқтириб олаяпти. Шуниси ачинарлики, ер куррасидаги деярли барча мамлакатларда ОИВ/ОИТС касаллиги кўплаб қайд этилмоқда.

ОИТС вируслар қўзғатадиган ва киши жисмида иммунитет пасайиши, бунинг оқибатида ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши, хатарли ўсмалар ривожланиши билан хавфлидир. Унга чалинган одамни бир қарашда аниқлаб бўлмайди, ҳатто, шифокор ҳам буни айтиб беролмайди. Аниқлашнинг ягона йўли – қон таркибини таҳлил қилишдир.

Қизиқ, вирус инсон танасига тушгач, ўн йил давомида ҳам клиник белгилари намоён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳеч ким бу касалликни юқтириб олганини сезмайди ҳам. Вирус тананинг иммун тизимини ишдан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, зотилжам, сил, ичак ва бошқа инфекциялар хуружи оқибатида бемор шифохонага мурожаат қилганидагина хасталикка чалингани аён бўлади. Касалликнинг кейинги

*(Давоми 2-бетда).*

## ҲАММА БИРДЕК МАСЪУЛ

**Бир болага етти маҳалла ота-она дейдилар. Дарҳақиқат, фарзанд тарбиясига энг аввало, ота-она, шу билан бирга маҳалла, таълим муассасалари ҳам бирдек масъулдир.**



– Йигит-қизлар балоғат ёшига етаётганларида табиийки, хулқий ўзгаришларга мойиллик кучаяди, – дейди Бўка агросаноат ва транспорт коллежи директори Абдужаббор Аранжиев. – Шу вақтда уларга назорат кучайтирилса, юз бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олди олинади. Шуни эътиборга олиб, коллежда турли мавзуларда мунтазам тадбирлар ташкил этаяпмиз.

Бу галги тадбир вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олишга бағишланиб, унда туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, болалар ва ўсмирлар шифокорлари, ички ишлар бўлими ходимлари коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Сўз олганлар йигит-қизларнинг қинғир йўлга кириб қолмасликлари учун аввало, оилавий муҳит яхши бўлиши лозимлигини таъкидлаб, ёшлар, айниқса, қизларнинг хулқ-атворига, юриш-туришига бефарқ бўлмаслик ҳақида алоҳида тўхталдилар.

– Коллежимизда 1100 дан зиёд ўғил-қиз 8 йўналиш бўйича таҳсил олмоқда, – дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Барно Жабборова. – Интернет тармоғига уланган ахборот ресурс маркази, 30 минг 500 китоб фондига эга кутубхона улар хизматида. Шундай бўлсада, баъзида дарсларни сабабсиз қолдирувчи ўқувчилар ҳам учраб туради. Уларни нима билан бандлигини аниқлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 50 дан зиёд тўгараклар ишлаяпти. Уларда 700 ўғил-қиз ўзлари қизиққан машғулотлари билан шуғулланмоқдалар.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**




## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ТАРТИБ-ҚОИДАСИ ТУШУНТИРИЛДИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашлари билан ҳамкорликда "Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, турлари, шакллари ва усуллари" мавзуида ҳудудий семинар-тренинглар ташкил этди.**



*(Давоми 2-бетда).*

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош мақсади миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакат сиёсий, ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий мерос, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, сайлов тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган талаб ва қоидаларга амал қилиб, шу асосда ўзининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Унда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига ҳаракатчан, сиёсий етук, ташаббускор кишиларни номзод қилиб кўрсатди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишни, яъни, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган, доимий иш жойи ва муқим маошга эга бўлмаган аҳоли қатлами ва бошқа ижтимоий соҳа ходимлари ва мутахассислари, кўп болали оилалар, пенсионер ва имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади. Ушбу вазифаларни сайловолди дастурларида бош мақсад қилган партия сайловларга тайёргарлик кўриш ва ташвиқот ишларини изчил олиб бормоқда.

**(Партияларнинг ташвиқот материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).**

## Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# ПЛАТФОРМАМИЗДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**Бугунги кунда мамлакатимизда демократик сайлов тизимини такомиллаштириш ва фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кўп йиллар давомида шаклланган демократик қадрият ва кўникмаларни жорий этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш тарафдори сифатида сайловларни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас бир қисми деб билади.**

Ҳар бир сиёсий партиянинг нуфузи, салоҳияти ва жамиятдаги ўрни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёрланиш жараёнида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун, партиямиз диққат эътиборини сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этишга қаратган. Шу билан бирга сафимизни сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори, халқ орасида инсоний фазилатлари ва ахлоқий хусусиятлари билан обрў-эътибор қозонган, ташаббускор, кўпчиликни ортидан эргаштира оладиган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатидан устун қўядиган шахслар ҳисобига кенгайтиришга эришдик ва бу жараён изчил давом этмоқда. Сайловда муваффақиятли иштирокимизни таъминлайдиган яна бир муҳим жиҳат бу сайловчиларнинг бизга бўлган ишончи.

Албатта, аввалги сайловлардан тегишли хулосалар чиқариб, бу йил тайёргарлик жараёнини анча барвақт, сайловда партия манфаатларини муносиб ҳимоя қиладиган депутатлар захирасини шакллантиришдан бошладик. Олдимиздаги муҳим босқичлардан бири, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини юқори савияда ўтказишдир. Бунинг учун партиямизнинг янги таҳрирдаги сайловолди платформаси дастуриламал бўлади. Бу вазифалар партия ғояси, мафкураси, ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларига жавоб бериши, партиянинг куч ва имкониятларига мос келиши, энг муҳими, Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига уйғун бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Сайловолди платформамизда сиёсий муносабатлар тизимида миллий ғоямиз тамойилининг устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролар бирдамлигини ривожлантириш, маҳалла тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, маънавий-маърифий соҳада миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш жараёнларидан миллий юксалиш сари бораётган жамиятимиз олдида турган бугунги долзарб вазифалар акс эттирилди.

Шунингдек, партиямиз иқтисодиёт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш ҳамда энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш партиянинг бош мақсадларидан биридир. Фан, таълим, маданият, маънавият, санъат, спорт, айниқса, ахборот соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ахборот соҳасида жамиятнинг ахборот-мафкуравий ҳимоясини таъминлаш партиянинг устувор вазифаси. Шунингдек, сув-энергетика масалаларининг ечимига доир давлатимиз сиёсатини тўла маъқуллаб, Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Партия давлатимизнинг инсоният тамаддунининг қадимги Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини тиклаш, "Буюк Ипак йўли" брендини илгари суриш сиёсатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Умуман, платформада белгиланган барча йўналишлардаги вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндошилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамалакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва аньаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади.

Партиямизнинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқара оладиган, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама муносиб номзодларни илгари суриб, сайловчиларнинг кўпроқ овозига эга бўлиш асосий вазифамиздир.

Умуман олганда, партиямизнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгаши аъзолари ва барча фаолларида бу йилги сайловни юксак демократик савияда, халқаро тамойилларга таяниб, уюшқоқлик билан ўтказиш учун етарли салоҳият ва шижоат мавжуд.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши раиси.**

# НОМЗОД ТАНЛАШДА АДАШМАНГ!

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

**Тараққиёт йўлини танлаган давлатда демократияни кўппартиявий тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Оддий қилиб айтганда, демократия сиёсий партияларсиз, сиёсий партиялар эса демократиясиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Таъбир жоиз бўлса, бу демократиянинг энг муҳим ва асосий шартларидан биридир. Шу маънода мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари қатори демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида кенг қамровли ислоҳот ва модернизациялаш жараёнлари давом этмоқда.**

Бу жараёнлар "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да Президентимиз белгилаб берганидек, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланишдек конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари ҳамда бугунги куннинг талаб ва вазифаларидан келиб чиқиб, давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий ҳимоясига муҳтож аҳоли қатламлари, шунингдек, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бюджет ташкилотлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишдек юксак сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олган.

Сайлов кампаниясига киришар эканмиз, ўтган даврда дастурий вазифаларимиз ижросини сарҳисоб қилиб олдик. Бу даврда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан самарали фаолият олиб борилди. Хусусан, ўтган йилларда вилоятдаги банк муассасалари билан ҳамкорликдаги ижтимоий форумларда 56 нафар иштирокчиларга бошланғич капитални шакллантириш, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 572 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Натижада, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари янада ривожланиб, 220 дан ортиқ электорат иш ўрнига эга бўлди.

Бундан ташқари, жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва партия электоратининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, сиёсий билимлари ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида ҳам амалий ишлар қилинди. Жойлардаги жамоатчилик қабулхоналарига 2010-2014 йиллар давомида ишга жойлашиш, ижтимоий таъминот, пенсия тайинлаш ва тўлаш, уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш масалалари юзасидан 3914 та мурожаат тушди. Уларнинг 90 фоизи ижобий ҳал этилди. Ушбу амалий ишларимиз, сайловчиларнинг партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз беришига хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги сайловчи аввалгилардан мутлақо фарқ қилади. Чунки, улар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларда нафақат кузатувчи балки, бевосита иштирокчига айланиб бормоқдалар. Аҳоли қайси сиёсий партиянинг халққа нафи кўпроқ тегаётганини жуда яхши билади. Энди баландпарвоз шиорлар, қуруқ ваъдалар билан сайловчиларни чалғитиб бўлмаслигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис, республика Президентининг қуйидаги фикрини келтириш ўринлидир. "Кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор.

Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал этиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларни кўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда".

Яқинда партиянинг VIII қурултойи ўтказилди. Унда йиллар давомида тўплаган тажрибаларга таяниб, сайловолди сиёсий позициямизни аниқлаб олдик. Биз учун устувор стратегик йўналиш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада юксалтиришга фаол кўмаклашишдан иборат.

Бунинг учун давлатимиз амалга ошираётган "кучли ижтимоий сиёсат" жараёнида меҳнатга лаёқатли аҳолининг барқарор ва муносиб ҳақ тўланадиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг таълим олиши, касб танлаши, мутахассислиги бўйича мукаммал амалий кўникмага эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирганларни кафолатланган биринчи иш ўринлари билан таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли, кўп болали оилалар учун пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалар тизимини янада такомиллаштиришни таъминлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Партиянинг сайловолди дастуридаги устувор йўналишларни кенг оммага етказиш мақсадида партиядан кўрсатилган номзод ва уларнинг ишончли вакиллари тарғибот-ташвиқот ишларига астойдил киришганлар. Улар слайдлар, интерактив машғулотлар, видеотасвирлар ёрдамида ўзларининг сайловолди дастурлари билан аҳолини батафсил таништирмоқдалар.

Ўйлаймизки, сайловчилар у ёки бу сиёсий партия кўрсатган номзодга овоз беришда уларнинг сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни эътиборга оладилар ва муносибларни танлашда адашмайдилар.

**Сирожиддин АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси.**



# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ТАРТИБ-ҚОИДАСИ ТУШУНТИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Институт вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари фаоллари, партиялардан депутатликка кўрсатилган номзодлар, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сайлов тизими бўйича тажрибали эксперт ва олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган семинарлар давомида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да қайд этилган "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига аниқ таъриф бериш, ташвиқот олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усуллари қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилгани таъкидланиб, бу ҳақда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

# ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ, АММО...

(Давоми. Боши 1-бетда).

босқичи, яъни ОИВ инфекциясининг ОИТСга айланишида юз берадиган ўзгаришлар, асосан, тана ҳароратининг кўтарилиши, сурункали терлаш, лимфа тугунларининг катталашиши, иштаҳанинг йўқолиши, озиб кетиш, ҳолсизланиш, терида тошмалар пайдо бўлиши, ичнинг мунтазам бузилиши ва шунга ўхшаш клиник белгилар иммун тўсиғининг сусайганидан дарак беради. ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг умрини соғлом одамнинг умричалик узайтириш мумкин, қачонки у шифокорнинг доимий назоратида бўлса.

– Хасталик аниқланганида менга ҳукм ўқилгандек, саросимага тушганман, – дейди 28 ёшли Давронбек. – Бир сонияда ҳаётимга қора чизиқ тортилди гўё. "Буёғига нима қилиш керак?" деган савол ич-этимни кемира бошлади. Кейин билсам, дори-дармон ва яшашга ишонч билан умрни узайтирса бўларкан. Секин-аста аввалги ҳолимга қайтдим, ўзим ва яқинларимнинг соғлиғи олдида янада масъулиятлироқ бўлишни ўргандим. Ҳозир ширингина қизалоғим бор. Унинг учун ҳам яшашим кераклигини англаб етдим.

– Бундан 13 йил илгари турмуш ўртоғим ОИТСни юқтириб олган, – дейди Маҳмуда. – Шунда бу балои азим нима эканини англаб етдим. Ҳали фарзандимиз йўқлигида ажрашган маъқул кўринди. Лекин турмуш ўртоғимни шу аҳволда ташлаб кетишни кўзим киймади. Биргаликда касаллик билан курашишга қарор қилдик. Шукр, ҳозир аҳволи яхши. Энг асосийси, яшашга ишончи сўнмаган. Ўртада фарзандли ҳам бўлдик. Ўғлимиз ҳозир 4 ярим ёшда. Буни қарангки, у буткул соғлом. Айтмоқчи бўлганим, бу касалга чалинганлар ўлимни кутиб яшамасликлари керак.

Кўриниб турибдики, ОИВ инфекциясини юқтириб олганлар ва уларнинг оила аъзолари афсус-надомат, изтироб, ўкинч гирдобида қолиб, умидсизлик ва тушкунликка учрайдилар, камситилишдан, касалини яқинлари билиб қолишидан хавотирланиб яшайдилар.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ОИВ инфекциясини юқтирган одамга негадир бошқача кўз билан қараймиз. Шуни ҳисобга олиш керакки, ОИВ инфекциясини юқтириб олишга фақат маънавий бузуқлик сабаб бўлмайди. Масалан, ОИТСга чалинган ёш болаларнинг айби нима? Болаларга ОИВ юқишида баъзан тиббиёт муассасалари, хусусий клиникалар сабабчи бўлади. Шунинг учун ОИВ инфекцияси аниқланган оилага ёки шахсга ёмон кўз билан қараш ноўрин. Аксинча, уларга таскин бериш, тушунтириш чораларини излашимиз керак.

Аммо, хорижлик шифокор Нельсин Манделанинг айтишича, Африкада ОИТС нафақат касаллик, балки ҳақиқий фожиадир. Бу даҳшатли вирус кўп инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Ҳатто, уруш ва қатағонлар, очлик ва қурғоқчилик каби офатлар ҳам одамлар умрига бу даражада зомин бўлмайди. Ҳозир хасталик билан курашиш учун бу қитъада миллиард-миллиард маблағ сарфланмоқда, аммо натижа ҳамон йўқ.

Демак, касалликнинг олдини олиш учун инсон ахлоқан пок бўлиши зарур. Даволанишда, қон таҳлилида бир марталик шприц ва игна ишлатилаётганига ишонч ҳосил қилишимиз, стоматология ёки бошқа даволаш хоналари, сартарошхона ва пардоз-андоз салонларида стерилланган ёки янги асбоблардан фойдаланишларини талаб қилишимиз зарур. Бу ҳаёт аталмиш азиз неъматнинг қадрига етишнинг муҳим омилларидан биридир.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## Вилоят ҳаёти

### ТРАНЗИТ ЙЎЛНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

**Ангрен-Поп йўналишидаги 19 километрли туннелни ўз ичига олган электрлаштирилган янги темир йўл тармоғи 2016 йил июль ойида ишга тушади.**



У Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистон маркази билан боғлаб, республиканинг ягона транспорт тизимини шакллантиришни якунига етказади ва Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит йўлининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

2013 йилда қурилиши бошланган темир йўлнинг умумий узунлиги қарийб 125 километр. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ўртасида имзоланган 455 миллион долларли шартномага мувофиқ айни пайтда линиянинг 60 километрдан кўпроқ қисми қуриб битказилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### ҲУНАРМАНДЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

**Республика Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун кулай шароитлар яратиб, имтиёзлар берилаётгани боис соҳа жадал ривожланиб бораётир.**



Бугунги кунда республика "Ҳунарманд" уюшмаси Пискент тумани бўлимида ҳунармандлар 7, касаначилар 37 кишига етди. Уюшма кўмагида ҳудуддаги ҳунарманд-усталар зардўзлик, чарм-пойабзал, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишлардаги маҳсулотлари билан турли нуфузли танловларда иштирок этишмоқда. Шунингдек, уюшма улар фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида амалий кўмак бермоқда.

– Мен миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини аҳоли талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда тайёрлашга ҳаракат қилаяпман, – дейди ёғоч ўймакорлиги бўйича уста Аълохон Маллабоев. – Шогирдларимга ҳам бу касб сирларини ўргатаяпман.

**Умида ИСАЕВА.**

### ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

**Оққўрғон туманининг Султонобод қишлоғида "Есе Textile" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.**



Турли ёшдагилар учун трикотаж кийимлар ишлаб чиқараётган корхонада кунига 150 мингтагача маҳсулот тайёрланмоқда. Маҳаллий хом ашёдан сифатли ва бежирим тикилаётган кийимларнинг 95 фоизи Россияга экспорт қилинмоқда.

Туркиянинг замонавий дастгоҳлари билан жизоҳланган жамият иш бошлаши билан 200 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирча бу ерда 80 ишчи меҳнат қилаётир. Эътиборлиси, янги корхона чеварларининг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

**Аваз БЕКОВ.**

Қадриятлар бешигисан – азиз маҳаллам

# ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН АРДОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Паркент, Қибрай, Юқори Чирчиқ туманлари, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари вакиллари "Маҳалла" институтининг вужудга келиши, унинг ёшлар тарбиясидаги роли, ўз маҳалласи тарихи, ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти хусусида ёркин чиқишлар қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Зангиота тумани "Иқбол" маҳалласи "Оқтепа иқболи" жамоаси билим ва иқтидори, мустаҳкам ватанпарварлик фазилати билан алоҳида ажралиб турди.

– Маҳалламиз тарихини чуқур ўрганишимизда кўпни кўрган отахон-онахонларимиз, устозларимиз билан суҳбат ва учрашувлар яхши ёрдам беради, – дейди жамоа сардори, 78-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Абдуҳамид Рихситиллаев. – Маҳаллада уюштириладиган барча тадбирларда, хонадон, кўча ва қабристонларни ободонлаштириш каби ҳашарларда доим фаол қатнашамиз. Бу биз ёшларнинг шарафли бурчимиз. Танловнинг республика босқичида ҳам вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун янада пухта тайёргарлик кўришимиз керак.

Танлов шартига оид 8 йўналиш, жумладан "Ёшлар билан ишлаш комиссияси" фаолияти ва "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги ҳақида кенг, асосли маълумотлар тақдим этган Қибрай туманидаги "Селекция" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Маҳалла юлдузлари" (жамоа сардори Офтобой Анорова), Паркент тумани "Бойқозон" маҳалласининг "Олмос" жамоаси (Дилафрўз Мирҳайдарова) чиқишларини ҳам ҳакамлар ҳайъати алоҳида эътироф этди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**



# ХАЛҚ ТАФАККУРИ ВА ИЖОДИ МАҲСУЛИ

мусулмонлари ҳам диний ва маърифий қадриятлар қайта тикланишининг шоҳиди бўлмоқдадир. Асосий Қомусимизда жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши каби омилларга кўра инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган бирорта модданинг йўқлигида, ўйлаймизки, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимиз ва бебаҳо анъаналаримизнинг беқиёс ўрни бор. Минг йилликлар давомида аждодларимиздан авлодларга, ота-оналардан фарзандларга, ворисларга ўтиб келаётган ва дунёнинг ҳеч бир бурчагида такрорланмайдиган ажойиб муносабатларнинг, инсоний фазилатларнинг Асосий Қонунимиздан ўрин эгаллагани таҳсинга сазовор.

Юртимизда истиқомат қилувчи мўмин-мусулмонлар Қомусда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан бемалол фойдаланмоқдалар. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга асосан диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Мазкур қонуннинг 5-моддаси эътиқод софлиги, диний бағрикенгликка асослангандир.

Мустақиллик йилларида миллий истиқлол ҳақидаги азалий орзу-умидларимиз амалга ошиб, асрий қадриятларимиз тикланди, маданиятимиз, динимиз табиий-тарихий, миллий, диний ва фалсафий асосларига қайтмоқда. Айниқса, маънавий меросни ўрганиш, аждодларимиз қолдириб кетган турли соҳалардаги асарларни оммалаштириш, буюк алломалар, улуғ аждодларимизнинг муборак номлари ва ижодининг халққа қайтариб берилиши, она тили ва динимиз ривожланишига шароит яратилгани ўзбек халқи, хусусан, мусулмонларга буюк халоскорлик ва миллатнинг келажак тараққиёти учун қудратли омил бўлди.

Асосий Қонунимизнинг 31-моддасида "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади ...диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди", деб алоҳида таъкидланган. Муқаддас Ислом дини қадриятлари бой ва буюк маънавиятимиз асоси эканини эътироф этиб, Президентимиз бундай деганлар: "Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз".

Минг афсуслар бўлсинки, Асосий Қонунимизнинг мазкур 31-моддасини айрим ғаразли кимсалар, ўзларини миссионер деб билувчилар қўпол равишда бузишга уринаётганлари ҳамон кузатилмоқда. Улар бундай нопок мақсадларини ёшлар ўртасида, айниқса, ҳеч бир диний маълумоти бўлмаган ёки турли ёт таъсирларга берилувчан айрим содда фуқаролар орасида ёйишга уринишмоқда. Натижада баъзи юртдошларимиз алданиб, моддий-маънавий қийинчиликлар баҳонасида хорижий миссионерлар тузоғига илиниб қолишмоқда. Имон-эътиқодларидан маҳрум бўлиб, икки дунё саодатини қўлдан бой бериб қўйишмоқда. Шу муносабат билан доимо сергак ва огоҳ бўлиш, қадриятларимиз тарихий бой меросимизни келажак авлодларга, азиз фарзандларимизга тўла-тўкис етказиш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи эканини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Биз учун ёт бўлган ҳар қандай ҳаракат, ғоя ва фикрларга бефарқ бўлмаслигимиз, мустақил Она диёримиз халқига, унинг тинч турмуши ва фаровонлигига ҳар қандай таҳдид ва хавфлардан огоҳ бўлишимиз лозим.

Бугун, дунёнинг турли нуқталарида диний, миллий ва этник можаролар, уруш ва бошқа хунрезликлар бўлаётган бир паллада, юртимиз тинч ва осуда, миллат ва элатлар ҳамжиҳат ва хотиржам яшаётгани, шу чоққача миллий ёки диний низолар келиб чиқмагани бу борада катта ишлар амалга оширилаётганини кўрсатади. Бундай имкониятлар учун ҳар қанча шукр қилсак арзийди.

**Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Янгийўл тумани жоме масжиди имом-хатиби.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




### КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ҚУЛАБ ТУШДИ

**Associated Press агентлигининг хабар беришича, Миср пойтахти Қоҳирадаги кўп қаватли уйлардан бири қулаб тушгани оқибатида камида 19 киши фожиа қурбони бўлди.**



Ушбу нохуш воқеа Қоҳира шарқидаги Матария туманидаги уйда яшовчи аҳоли қаттиқ уйқуда бўлган ярим тунда юз берди. Қўшни уйларда яшовчиларнинг сўзларига қараганда, ушбу бино илгари тўрт қаватли бўлган. Кейинчалик унинг устига ҳеч қандай рухсатсиз яна уч қават қўшимча қурилган экан. Айнан шу ноқонуний иш фожиага сабаб бўлган, дея тахмин қилинмоқда.

Қутқарувчилар харобалар остидан 19 кишининг жасадини олиб чиқишди. MENA агентлиги берган ахборотга кўра, 8 кишини қутқариб қолишга муваффақ бўлинди. Гувоҳларнинг айтишича, бино харобалари остида ҳали жабрланганлар бор.

### ЭБОЛАГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

**Эбола безгагига қарши ишлаб чиқилган вакцина кўнгиллилар ёрдамида синовдан муваффақиятли ўтди.**



РИА Новости агентлигининг BBC News хабарига таяниб ёзишича, синов жараёнида 20 га яқин катта ёшдаги одамлар иштирок этган. Маълум бўлишича, янги вакцина бемор танасига кўп миқдорда юборилса, унга ҳеч қандай зарар етказмай, фақат тузалиб кетишига ёрдам берар экан.

Янги дорини ишлаб чиқарган компания раҳбари Эндрю Уитти тадқиқотлар натижасига тўхталиб, шундай деди: "Бу ҳаммани бирдек хурсанд қиладиган дастлабки натижадир". Унинг фикрича, орадан бироз муддат ўтиб, ушбу вакцинани эбола безгагига қарши курашда эришилган ғалаба дея, баҳолаш мумкин бўлади.

Янги вакцинани синашга киришилганига икки ойдан ошди. Тажриба жараёнига АҚШ, Британия, Мали ва Швейцариядан қарийб 200 киши жалб қилинди.

### КИМЛАР ХОНАДОНИ ВАКИЛАСИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИДА

**Шимолий Корея давлати раҳбари Ким Чен Инининг синглиси Ким Ё Чен Корея меҳнат партияси марказий комитети департаменти директори ўринбосари этиб тайинланди.**



Reutersнинг мамлакат марказий телеграф агентлиги маълумотига таяниб хабар қилишича, Ким Ё Чен ҳозирги кунда тахминан 27 ёшда. Шу боис, у мамлакатда машҳур эмас. Ёш бўлсада, партия департаментидан ташқари, ҳукумат таркибида ҳам тайинли лавозимга эга бўлди. Дарвоқе, Ким Чен Инининг ўзини ҳисобга олмаганда, у Кимлар оиласидан Шимолий Корея маъмуриятида расман ишлайдиган ягона вакил бўлди.

### ФЕРГЮСОНДА ҲАМОН ИРҚИЙ ҒАЛАЁН

**Американинг Фергюсон шаҳарчаси ёз кунларининг бирида полициячи Дарен Уилсон қора танли ўсмир Майкл Браунни отиб ўлдирганидан сўнг нафақат мамлакатда балки, бутун дунёга машҳур бўлиб кетди.**



Гап шундаки, қотил оқ танли, марҳум эса қора танли бўлгани вазиятни жиддийлаштириб юборди. Асосий қисми қора танлилар бўлган маҳаллий аҳоли бу воқеага ирқий камситиш тусини берди. Натижада одамлар кўчаларга чиқиб, бутун шаҳар бўйлаб тартибсизликлар бошланди.

Суд маслаҳатчилари ўша фожиали воқеада Уилсоннинг хатти-ҳаракатида жиноят излари йўқ деган хулосага келганидан сўнг Фергюсонда яна ғалаён бошланди. Чунки маслаҳатчилар коллегияси асосан оқ танлилардан иборат бўлгани боис, унинг қарори полициячиларни ҳимоялашга қаратилган дея, баҳоланди. Ғалаён кўтарганлар полициячиларга қарши тошлар улоқтириб, дўконларни вайрон қилиб, маҳсулотларни ўғирлаб, автомобилларни ёқиб юбордилар.

### УГО ЧАВЕС – БАЛЕТ ҚАҲРАМОНИ

**Венесуэлада ўтган йили саратон касалидан вафот этган мамлакат собиқ президенти Уго Чавеснинг ҳаёт йўлига бағишланган балет намойишига тайёргарлик кўрилмоқда.**



The Guardian газетасининг ёзишича, "Одамлар шунчаки оддий балетни томоша қилишга келишмайди, – деди театр танқидчиси Марси Рангел. – Улар ўзларининг марҳум етакчилари ҳаётининг саҳнада мужассамлашган образини кўришга қизиқмоқдалар". Балет санъати мухлислари саҳнада Чавесни ҳам ҳарбий кийимда, ҳам бейсбол ўйинчиси сифатида томоша қилишади. Айтилишича, Чавеснинг болалик давридан тортиб, сиёсий арбоб даражасигача кўтарилган бутун ҳаёти томошабинлар кўз ўнгидан бирма-бир ўтади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Кўргазма

# МУСИҚА ВА РАНГ

**Тошкент Фотосуратлар уйида Маҳмуд Аҳмедовнинг "Мусиқа ва ранг" деб номланган кўргазмаси очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тасвирий санъатнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш, ижодкорлар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.**



Мамлакатимизда тасвирий санъатга оид бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни келгуси авлодларга етказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ёшлар маънавияти, диди ва тафаккурини юксалтириш, бадиий таълимни такомиллаштиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир. Бу жараёнда "Устоз – шогирд" мактаби анъаналари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳмуд Аҳмедов Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида кўп йиллар давомида йигит-қизларга тасвирий санъат сирларидан сабоқ берган. У мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. Мусаввирнинг меҳнати давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

– Юртимизда тасвирий санъатнинг қадимий ва бой анъаналарини тиклаш, унинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётир, – дейди рассом. – Бу биз, ижодкорларнинг янада кўпроқ изланишимизга, янги-янги асарлар яратишимизга turtki бўлаётир.

Кўргазмага қўйилган картиналарда юртимизнинг мафтункор табиати, бунёдкор халқимиз, қишлоқ манзаралари акс эттирилган.

**Б. МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЁШ ВАКИЛЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ



**Пойтахтимиздаги "Қушбеги" спорт саройида универсал жанг бўйича 10-11 ва 12-13 ёшли ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларида Янгийўл туманидаги 71-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг Абдуфаттоҳ Шерматов мураббийлигида тарбияланувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этишди.**

Жумладан, Темур Абдуғаффоров, Санжар Зокиров ва Самандар Сатторов олтин, Музаффар Каримов, Азизбек Усмонов кумуш, Яҳё Абдусатторов, Жавлон Низомиддинов, Жасур Нишоналиев бронза медалларига эгалик қилдилар.

Шунингдек, қизлар ўртасидаги баҳсларда вакилимиз Сарвиноз Икромова барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Тузатиш

Газетанинг 2014 йил 19 ноябрь сонидаги 29-Ўнкўрғон сайлов округи бўйича ЎзМТДП ва ЎзХДП номзодлари ўрни алмаштириб ўқилсин.

Ҳаёт сабоқлари




Ўша кундан бери Одилжон онасининг кўзига қарашга ботинолмайди. Янаям тўғрироғи она ўғлига рўйихуш бермай қўйди.

Эрининг вафотидан кейин қизлари билан сирлашадиган Замира ая уларни эгасига топширгач, ёлғизгина ўғли Одилжонга боғланиб қолди. Уни ўқишдан келишини интиқлик билан кутади, тансиқ таомлар тайёрлаб, ўғли билан гаплашиб, чарчоқларини унутади. Ишхонасида баъзан дилхиралик бўлса ҳам ўғлига "ёрилади". Кейинги пайтда она-бола тўй тараддудини бошлаб, Одилжонга муносиб қиз қидиришаяпти. Онаизор ўғлини зимдан кузатар экан, кечагина кўз ўнгида пилдираб юрган жажжи болакай бугун оила қуриш остонасида турганидан қувонса, эртага хонадонига келин келишини ўйлаб ширин энтикиб қўяди. Аммо, Одилжон ҳамон онаси учун ёш боладай. Шошилиб овқатланиши, ҳовлиқиб кўчага отилиши, ўртоқлари билан телефондаги беғубор суҳбатлашишини кўриб: "Ҳали ўзи бола-ю, уйлантирсам, оила бошқариши қандай бўларкин?" дея ўй суради.

Нима ҳам бўлди-ю, Одилжон дўстларига қўшилиб, шу чоққача оғзига олмаган спиртли ичимликни бир "тотиб" кўрди. Аслида унинг дўстлари ёмон йигитлар эмас, ичишмайди, чекишмайди. Ҳар замонда бир тўпланиб қолишса ҳам қуюшқондан чиқишмайди. Ўша куни Муроднинг туғилган куни эди. Зиёфат қуюқ бўлди, кейин спиртли ичимлик...

Одилжон бошқа ҳеч нарсани эслай олмайди. Боши айланиб, кўзи тингани ёдида... Кўзини очса, ўз уйида. Қачон келди, кимлар олиб келди?! Ҳеч нарсани эсломагани устига боши тарс ёрилай деяпти, кўнгли беҳузур бўлаяпти. Онаси аллақачонлар ишга кетган. "Қизиқ, онам нима учун мени койимадилар? Тонг саҳарлаб ўқишдан кеч қоласан, деб уйғотардилар-ку". Шундай бўлганда ҳам у эслай олармиди? Қай аҳволда келганини ўзи ҳам билмаяптику, бошқасига йўл бўлсин.

Одилжон қандай қилиб кунни кеч қилганини билмади. Онаси ишдан қайтадиган вақт яқинлашган сари у ўзини қўйишга жой тополмай қолди. "Онамга нима дейман, кўзларига қандай қарайман?" деган ўй тинчлик бермасди. Аслида у онасидан охирги марта қачон дакки эшитганини ҳам эслолмайди.

Замира ая ишдан келиб, тўғри ўз хонасига кириб кетди. Одилжон билан саломлашмади ҳам. Эртаси, индинги куни ҳам шундай бўлди. Мабодо Одилжон билан тўқнаш келиб қолса, уни қойиш у ёқда турсин, кўзига ҳам қарамади. Саломига алик олади-ю, бошқа лом-мим демайди.

Аввалгидек ўқишдан келишига овқати тайёр, кийимлари ювиб-дазмолланган. Бироқ вазият совуқ. Онаси у билан гаплашмайди, бир дастурхон устида ўтирмайди. Четдан қараганда, ўғлига жаҳл қилмаяпти, ундан ранжиганини билдирмаяпти. Аммо онанинг юзлари сўлиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетгандай, руҳиятида тушкунлик. Хонасига қамалиб олиб, нималар биландир банд бўлади, тонгда ишга кетиб, кеч қайтади.

Бугун учинчи кун. Одилжон ортиқ чидай олмади. Онасининг олдига кириб: "Бўлди-да энди. Бир марта ичган бўлсам, шунга уч кун азами? Ахир ёш бола эмасман-ку, дейман" деб аҳд қилди. Шу зайлда онасининг хонасига шаҳд билан кираркан, кўзи жиққа ёшга тўла волидасини кўриб, бир умр маишат қилса ҳам меҳрибонининг бир томчи ёшига арзимаслигига иқрор бўлди. Бўғзига нимадир тиқилиб, аранг: "Кечира олсангиз, мени кечиринг, ойижон!" деди. Нозик елкалари аста силкинаётган онаизорини оҳиста бағрига босди...

**Аллома АЗИЗОВА.**

Дарвоқе...

# ЧАРХПАЛАКНИНГ АНТИҚАСИ

Ҳар сафар "Тегирмоннинг чархпалаги айлансин-о, айлансин" деб бошланувчи қўшиқни эшитганимда, бундан бир муддат аввал Янгийўлда кўрганим – ўсмир йигит Олимжон Одилбоев ясаган антиқа чархпалак кўз олдимга келаверади...

Ҳеч шубҳасиз, чархпалакнинг ихтиро қилингани инсониятнинг катта ютуқларидан бири. Уни биринчи бўлиб ким, қачон ва қаерда ясагани ҳақида аниқ бир гап йўқ. Шундайку-я, аммо Олимжоннинг ихтиросини кўриб, чархпалак деганларини аввалбошда ўзимизнинг ота-боболар ўйлаб топишган бўлса кераг-ов дейман...

Хўш, Олимжон ясаган чархпалакнинг каромати нимада?

Ҳамма замонларда ҳам суғориш тармоқларидан муайян баландликда бўлган экин ва томорқа ерларига сув чиқариш деҳқонга жиддий қийинчилик туғдириб келган. Бундай ҳолларда кўпроқ чархпалаклар асқотган. Бироқ, шу чоққача фойдаланиб келинган чархпалакларнинг имконияти маълум даражада чекланган. Негаки, ишлаш тамойилига кўра, улар сувни ўз диаметридан баландга кўтариб беролмайди. Шу боис, анчайин баландликда бўлган экин майдонларини суғоришда ёқилғи ва электр энергияси ҳисобига ишлайдиган қўшимча куч ва агрегатлардан фойдаланиб келинади. Бу табиийки, катта сарф-харажатни талаб этади.

Бир қарашда, Олимжон ясаган қурилма оддий чархпалакнинг ўзгинаси. Ишлаш тамойили ҳам шундай. Фақатгина сувни кўтариб берадиган идишлар ўрнига айлана бўйлаб уч-тўрт қатор (ундан ҳам кўп бўлиши мумкин) полиэтилен қувур ўрнатилган. Сув ва ҳавонинг зичлиги ҳамда солиштирма оғирлигидан ҳосил бўлувчи босим ҳавзадан олинган сувни чархпалак ўқига ва унга уланган узатма қувур орқали керакли баландликка ҳайдаб беради. Сув чиқариладиган баландлик чархпалак айланасидаги қувурлар ўрами сони билан қурилма диаметри кўпайтмасига тенг. Айтайлик, чархпалак диаметри 3 метр, қувур ўрамлари 4 қатор бўлса, демак, қурилма сувни тахминан 12 метр баландликкача кўтариб бера олади.



Айтишларига қараганда, ёш йигитнинг бу ихтироси электр насослар ёрдамида суғориладиган экин майдонлари эгаларини қизиқтириб қўйганмиш. Ҳали замон Олимжоннинг чархпалаги чор-атрофда довруқ қозониб, қўлма-қўл бўп кетса ажабмас...

**Муҳаммад АЪЛО.**

Даромад манбаи – мезбонлик

# ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**Вилоятимизда янги сайёҳлик йўналишлари очиш, меҳмонларни тарихий обидалар, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари билан таништириш учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.**



Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш, соҳа инфратузилма ва сервис хизматини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Бўстонлиқ туманидаги Ҳожикент ва Юсуфхона қишлоқларида замонавий меҳмонхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди, "Оқтош" санаторийси таъмирланди. Чимён – Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳалар амалга оширилаётир. Бу ерга келувчи меҳмонларнинг дам олиши, саёҳат қилиши учун яратилган шароитлар яхшиланмоқда. Хизмат кўрсатиш тури кўпайиб, сифати юксалаётир.

– Мамлакатингизнинг фусункор табиати, тарихий ёдгорликлари мени ҳамиша ўзига ром этиб келади, – дейди франциялик тадбиркор Клод Андре. – Шу боис, юртингиз бўйлаб тез-тез саёҳат қиламан. Бу йилги кузги таътилни Бўстонлиқда ўтказдим. Таассуротларим бир олам. Келгуси йил Ўзбекистонга оила аъзоларим билан келишни ният қилиб турибман.

Воҳада агротуризмни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда. Бўстонлиқ ва Чиноз туманларида балиқ маҳсулотлари кўргазмаси, "Чимён-экстрим" қишки спорт ўйини, "Чимён садоси" экологик саёҳат фестивалини анъанавий ташкил этиш режалаштирилган.

– Вилоятимиз сайёҳлик салоҳияти янги қирраларининг очилиши хорижлик меҳмонлар кўпайишини таъминлаётир, – дейди "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Тошкент вилояти минтақавий бўлими мутахассиси Жамшид Ғозиев. – Жорий йилда вилоятимизга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўн минг нафар кўп – 60 минг сайёҳ келгани фикримизни тасдиқлайди. Уларга кўрсатилган хизматлардан қарийб 27 миллиард сўм фойда олинди. Белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилгач, ҳудудимизга келиб-кетувчи сайёҳлар ҳам, олинадиган фойда ҳам икки ҳисса ортиши кутилмоқда.

**ЎзА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-56-03, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1485. Адади 7742. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50.